Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 118 (7. 207) 1990 йил 26 май, шанба Баҳоси 3 тийин

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

СССР Президенти сайланганидан сўнг СССР Олий Совети палаталарининг 24 май куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида биринчи марта М. С. Горбачев қатнашди. Мажлисда, шунингдек, Президентлик Кенгаши ва Федерация кенгашининг қарийб барча аъзолари, СССР ҳукуматининг аъзолари иштирок этдилар. Унда СССР Министрлар Совети Раиси Н. И. Рижков «Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди (Доклад матни рўзномаларда эълон қилинди). Уни Олий Советнинг 433 нафар аъзосидан ташқари салкам 150 нафар СССР халқ депутатлари ҳам тингладилар.

Докладни муҳокама этишда жумҳуриятларнинг, СССР Олий Совети комиссиялари ва комитетларининг, депутатлар гуруҳларининг вакиллари иштирок этдилар. Уларнинг айримлари таклиф этилаётган концепцияга салбий баҳо беришдан то ҳукуматга ишончсизлик билдиришгача борган бўлсалар, бошқалар эса ҳозирги мураккаб вазиятда бундан бошқа чора йўқлигини, энди бутун масъулиятни зиммага олиб ишлаш лозимлигини изҳор этдилар.

Кеча мунозаралар давом эттирилди.

XXIV Тошкент область партия конференцияси

25 майда Тошкент вилоят партия комитетининг катта мажлислар залида навбатдаги XXIV Тошкент вилоят партия конференцияси иш бошлади.

Конференцияда ишчи органлар: президиум, секретариат, мандат ва редакцион комиссиялар сайланди.

Конференциянинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланди:

1. Қайта қуришни таъминлаш юзасидан қилинган ишлар ва вилоят партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида. Вилоят партия комитетининг ҳисоботи.

2. Вилоят партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

3. Партия XXVIII съездига КПСС Марказий Комитетининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида.

4. КПСС Устави лойиҳаси тўғрисида.

5. Сайловлар:

— вилоят партия комитетини сайлаш;

— вилоят партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясини сайлаш;

— Ўзбекистон Компартияси XXII съездига делегатлар сайлаш.

— КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш.

6. КПСС ва Ўзбекистон Компартияси Марказий органлари таркибига вилоят партия ташкилотидан номзодлар тўғрисида.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг биринчи котиби С. Мамарасулов вилоят партия комитетининг ҳисобот маърузасини қилди.

Вилоят партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг ҳисоботини комиссия раиси Б. Д. Эргашев қилди.

Конференция делегатлари маърузаларни эшитгач, уларни муҳокама қилдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конференцияда тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан С. Мамарасулов Тошкент вилоят партия комитетининг аъзоси, бюро аъзоси ва биринчи котиби этиб; В. Г. Гришчук — вилоят партия комитетининг аъзоси, бюро аъзоси ва иккинчи котиби этиб; Ш. Н. Маҳмудова, В. Г. Гордиенко, Ш. О. Дадабоевлар — вилоят партия комитетининг аъзолари, бюро аъзолари ва котиблари этиб сайландилар.

Конференция қатнашчилари Тошкент вилоят партия ташкилотининг раҳбар органларини, Ўзбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига делегатлар сайладилар, вилоят партия ташкилотидан КПСС ва Ўзбекистон Компартияси марказий органлари таркибига номзодлар кўрсатдилар.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, А. С. Ефимов, Р. А. Попов, М. И. Иброҳимов, Ж. Ҳ. Ҳамидов қатнашдилар.

Конференция ишида шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг Давлат-ҳуқуқ бўлими мудири А. С. Павлов, КПСС Марказий Комитетининг ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар сиёсати бўлими сектори мудирининг ўринбосари Г. Т. Сташкевич, СССР Молия министри В. С. Павлов иштирок этдилар.

26 майда конференция ўз ишини тугаллади.

Рўзноманинг шу сонига

ИНҚИЛОБИЙ ЎЗГАРТИШЛАР ГАРОВИ — ЖИПСЛИГИМИЗДА

КПСС Марказий Комитети Давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири, СССР халқ депутати Александр Сергеевич ПАВЛОВ билан суҳбат



— Александр Сергеевич, сиз Тошкентда кўп бўлгансиз. 602-Бўка территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига сайлангансиз. Ўзбекистон жумҳурияти пойтахтига бу галги сафарингиздан асосий мақсад нима?

Келишимнинг сабаби кўп. Биринчидан, XXIV Тошкент область партия конференциясида қатнашмоқдаман. Иккинчидан, ўз сайловчиларим билан учрашиб, улар билан дилдан суҳбатлашишни дилимга тугиб қўйган эдим. Куни-кеча шундай учрашув бўлиб ўтди ҳам. Сайловчилар билан рўбарў ўтириб, келажак йўналишларимизни белгилаб олдик. Қолаверса, республиканинг кўплаб коммунистлари билан мудоқотда бўлдим. Уларнинг истак ва таклифлари билан яқиндан танишдим. КПСС-нинг бўлажак XXVIII съездига шу ердан менинг номзодим кўрсатилганлиги ҳам сафаримнинг асосий сабабларидан бири бўлди.

— Сиз бизнинг областимиздан депутатликка сайлангансиз. Дастурингизда жумҳурият, область, хусусан, сиз сайланган районлардаги бир қатор муаммолар ўртага ташланган эди. Ана шу масалалар амалда қандай бажарилянти?

— Бу саволни мен олдиндан кутган эдим. Биласизми, шу кунгача сайловчиларимдан 200 дан ортиқ хат олдим. Уларда миннатдорчилик туйғулари изҳор этилиши билан бир қаторда долзарб муаммолар ҳақида ҳам сўз юритилади. Мактубларда касалхоналардаги ночор аҳвол, замонавий асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги, айниқса қишлоқ районларида мактаб қурилиши талабга жавоб бермаётганлиги, газ ва сув таъминоти ёмонлиги ҳақида гап боради. Бу муаммолар менинг дастуримдан ҳам ўрин олган. Лекин уларнинг ҳаммасини бирдан бажариб бўлмайди. Ишни босқичма-босқич олиб боришга тўғри келади.

— Александр Сергеевич, СССР халқ депутатларининг I ва II съездларида ҳуқуқий давлатни барпо этиш, тўғрисида кўп гап бўлди. Шу ҳақда Сизнинг фикрингиз қандай?

— Қонун ва ҳуқуқлар кенгайди. СССР халқ депутатларининг I съездидан кейин 41 та қонун лойиҳаси қабул қилинганлиги ҳам юқоридаги фикримнинг далилидир. Бир ярим йиллик муддат ичида бу миқдор жуда кўпдир. Аммо бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Бу қонунлар ҳамма жойда ҳам тезкорлик билан ҳаётга жорий этилаяпти, деб бўлмайди. Мана шунинг учун ҳам биз ҳуқуқий давлатни тезроқ барпо этиш йўлларини излашимиз керак.

— Мамлакатда, жумладан, жумҳуриятимизда ҳам жиноятчилик тобора ортиб бораяпти. Унинг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилмоқда?

— Бу борада СССР халқ депутаталарининг иккинчи съездида ҳам анча гаплар айтилди. Шундан кейин дарҳол «Ўюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқ депутатлари съездининг қарори эълон қилинди. Унда жиноятчиликка қарши кураш энг муҳим умумдавлат вазифаси деб ҳисобланилсин дея таъкидланди. Ҳуқуқни муҳофаза этиш органларидан жиноятларни,айниқса оғир жиноятларни содир этаётган гуруҳларни тез ва тўла очишни таъминлаш талаб этилди.

Ўзбекистонда ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш учун турли воситалар ишга солинмоқда. Хусусан милицияни транспорт ва техникавий жиҳозлар билан тўла таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

— СССР халқ депутатлари биринчи съездида ССР Иттифоқи Прокуратурасининг Гдлян ва Иванов бошчилик қилган тергов гуруҳи фаолияти билан боғлиқ 16 кишидан иборат комиссия тузилган эди. Унинг аъзолари Ўзбекистонда ҳам бўлишиб, терговчиларнинг нақадар кескин иш олиб борганларининг гувоҳи бўлишди. Шундай экан, нега ҳамон улар иши юзасидан қатъий фикр айтилмаяпти?

— Очиғи бу ҳақда турли қарашлар бўляпти. Баъзилар ҳамон Гдлян ва Ивановни жиноятчиликка қарши курашнинг фаоллари деб ҳисоблашмоқда. Лекин бугун биз бир нарсани комил ишонч билан айтаоламизки, улар Ўзбекистонда пахта иши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда адолатсизликка йўл қўйишган. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Вақт ҳамма нарсани рўй-рост кўрсатадиган олий ҳакам, барибир ҳақиқат қарор топади. Албатта, бу борада жамоатчилик ҳам катта роль ўйнайди. Яна бир нарса. Ўша терговчилар ҳукмронлиги вақтида Ўзбекистондан тортиб олинган миллионлар қисмати ҳам одамларни кўпдан бери қизиқтириб келади. Шу туфайли «Ўша пуллар яна республикага қайтариладими», деган саволни эшитишга тўғри келяпти. Очиғи бу масалани суд ҳал этади. Бунинг устига ўша миллионларнинг аниқ ҳисоб-китоби йўқлиги, улар кимлардан тортиб олинганлиги ҳам рўйхат қилинмаганлиги анча чалкашликларга олиб келмоқда.

— Александр Сергеевич, ниҳоят армияга чақирилувчилар ҳақида...

— Саволингизни тушундим. Яъни Ўзбекистондан ҳарбий қурилиш қисмларига чақириладиган ёшлар ҳақида сўз юритмоқчисиз. Бу хусусида гап кетганда СССР Мудофаа Министрлигининг қарори билан 1990 йил баҳорига чақиришни ўтказиш чоғида Ўзбекистон ССРдан жанговар қисмларга чақириш наряди кучайтирилганлиги эътиборга олинди. СССР Мудофаа министрлигининг ҳарбий қурилиш отрядларига чақириш учун наряд шунга мувофиқ камайтирилди. Республикадан чақирилган ҳарбий қурувчилар хизматни Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округида ўтказадиган бўлдилар . Бу хусусида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори ҳам эълон қилинди. Албатта буни табрикламоқ керак. Бундан ташқари мамлакатимизнинг баъзи регионларида умуман ўзбек йигитларини ҳарбий хизматга юборилмаслиги кўзда тутилмоқда. Чақирилувчиларни тиббий кўрикдан чала-чулпа ўтказилаётганлиги ҳам кишини ташвишга солади. Биз бу ҳақда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш нозири билан ҳам гаплашиб олдик. Шу туфайли соғлиғи заиф ёшлар ҳарбий хизматни ўташга жўнатилянти. Орадан кўп ўтмай улар турли касалликларга чалиниб қайтишяпти. Агарда тиббий хизматчилар ўз ишларига масъулият билан ёндошганларида бундай кўнгилсиз ҳоллар рўй бермасди.

— Сўнгги савол. КПССнинг навбатдаги XXVIII съездига тайёргарлик ҳақида гапириб берсангиз.

— Бу анжуманга катта тайёргарлик кўриляпти. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Устави лойиҳаси юзасидан таклифлар ўрганиляпти. Биласиз, ҳозирги вақтда жамиятдаги ғоявий, сиёсий кураш кескин тус олди. У коммунистлардан барча куч, билим ва тажрибани сафарбар этишни, пухта ўйланган ва ақл-идрок билан қабул қилинган қарорларни талаб қилмоқда. Партия аъзосига хос бўлган характер ҳар бир коммунистнинг ғоявий эътиқоди мустаҳкамлиги қийин синовдан ўтмоқда. Баъзи партия ташкилотларида партия ички муносабатлари соҳасида қайта қуриш жараёнларини жадаллаштириш зарурлиги англаб етилмаётганлиги кишида ташвиш уйғотмай қолмайди. Янги мураккаб муаммолар, муттасил ривожланиб бораётган вазият зиддиятлари олдимизда турибди.

Қайта қуриш ғояларининг жипслаштирувчи кучи турли миллат коммунистларининг куч-ғайратини бирлаштиришга қодирдир. КПССнинг куч-қудрати, инқилобий ўзгартиришлар муваффақиятининг гарови эса бирликдадир. Бир сўз билан айтганда, КПССнинг XXVIII съезди партиямиз келажак тақдирини белгилаб беради.

Хуллас, инсонни амалда ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйиш, унга муносиб турмуш ва меҳнат шароитини, ижтимоий адолатни, сиёсий эркинликни, шахснинг ҳар томонлама камол топиши ва маънавий жиҳатдан юксалиши имкониятини таъминлашни партия ўзининг асосий мақсади, деб билади.

Суҳбатдош М. КОМИЛЖОНОВ.

ЮЗ ЧЕВАР НАМУНАСИ

⊙ ЎЗБЕКИСТОН ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси чеварлари шу йилнинг тўрт ойлик топшириқларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича ошириб адо этдилар. Улар Киров районида пешқадамликни қўлдан бермай келаяптилар.

Бирлашмада ўзаро мусобақада 1-фабрика чеварлари ғолиблик қилмоқдалар.

Фабрика чеварлари ҳар куни 2100 дан ортиқ костюм-шим ишлаб чиқармоқдалар. Уларнинг тайёр маҳсулотлари биринчи тақдимдаёқ топширилиб, харидорларга маъқул тушаяпти. Маҳсулотларнинг чанг босиб пештахталарда туриб қолмаётгани янада унумли ишлашга чорлаяпти.

12-беш йиллик режаларини аллақачон уддалаб, 13-беш йиллик ҳисобига ишлаётганлар сони 100 дан ортиб кетди. Шундай машъаллардан Нанма Зиёева, Маъмура Орипова, Вера Янишкова, Гуля Акмалжонова кунлик топшириқларни 130—140 фоизга етказиб адо этмоқдалар. Режага қўшимча 3400 та костюм-шим ишлаб чиқарилди.

С. СУЛТОНОВ.

Янгиликлар — Воқеалар — Ҳужжатлар

Чиқитдан маҳсулот

⊙ ЎЗБЕКИСТОН ёғоч-созлик саноати бирлашмасининг қуёшдан муҳофаза қурилмалари заводининг халқ истеъмоли буюмлари цехида ҳозир болалар учун иккита янги ўйинчоқ тури ва ошхона мосламалари ўзлаштирилди. Шунингдек, уй-рўзғор буюмларидан дон маҳсулотлари сақлайдиган термалар ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда иккита ширкат фаолият кўрсатмоқда.

Д. АЗИМОВ.

Алоҳида эътибор

⊙ ЎРТА ОСИЁ электр аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Реле ва автоматика» заводида халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

БУГУН корхонада бир қатор электр жиҳозлари ўчириб-ёққичлар, болалар ўйинчоқлари, шунингдек, электр қуввати билан ишлайдиган гўшт қиймалагич ва бошқа янчадиган қурилмаларни савдо пештахталарига юборди.

М. ҚОДИРОВА.

Сўлим оромгоҳ

⊙ 31 МАЙДАН бошлаб РСФСРда хизмат кўрсатган артист, скрипкачи Владимир Малинин пойтахтимизда гастролда бўлади. У пойтахт меҳнаткашлари ва шаҳримиз атрофидаги сўлим оромгоҳларга жойлашган дам олиш уйларида, пионер лагерларида концертлар беради.

Д. ОМОНОВ.

Қушбеги номида

⊙ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Фрунзе районидаги 127-ўрта мактабда яқинда ташкил этилган этнографик музей «Қушбеги тарихий этнографик музейи» деб номланди. Бундан мақсад илгариги Қушбеги маҳалласи, яъни ҳозирги кунда «Бошлиқ» даҳасининг тарихи билан ёшларни таништиришдир. Шунингдек, музей Қушбеги маҳалласи тарихига оид бир қатор янги экспонатлар билан бойиди.

Д. АЪЛОЕВ. С. САЪДИЕВ.



⊙ «БАЛЛИ ҚИЗЛАР!» ҚАТНАШЧИСИ. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-фабрикасида ўтказилган танлов қатнашчиси, пешқадам тикувчи Сайёра Жалилова.

Х. Мирзакаримов сурати.

ҒОЛИБЛАР ИБРАТИ

⊙ КИРОВ районидаги 2515-автоколонна жамоаси хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаб, яхши натижаларга эришмоқда.

Шу кунларда 320 та юк машиналари турли манзилларга бўйича буюртмаларни ташиб улгурмоқда.

Машъал ҳайдовчиларидан Тўлқин Икромов, Ботир Нуъмонов, Валентин Михайлов, Мурод Тожиддинов, Рихсивой Акбаровлар шу кунларда янги беш йилликни қаршиладилар.

С. САЪДИЕВ.

ЭРТАГА — КИМЁГАРЛАР КУНИ



КИМЁГАРЛАРНИ мўъжиза яратувчилар, деб бежиз айтишмайди. Халқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳаларида кимё яратган қулайликларнинг гувоҳи бўламиз. Уй-рўзғор буюмларимизнинг кўпида ҳам кимё хизматини кўрамиз. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг олимлари ҳам ўз ихтиро ва кашфиётлари билан халқ хўжалиги юксалишига катта ҳисса қўшишмоқда.

СУРАТДА: институтнинг ёш олимлари (чапдан) Қаҳрамон Маҳмудов, кичик илмий ходим Жалолиддин Зиёмов ва дастур инженери Гўзалия Харрасовалар кимёвий тажрибани синаб кўришмоқда.

Т. Каримов сурати.

ОРБИТАДАН ДАРАКЛАР

Учишни бошқариш маркази, 25 май. (ТАСС). Одам бошқарадиган «Мир» комплексида космик учишнинг навбатдаги ҳафтаси ниҳоясига етди.

Анатолий Соловьев билан Александр Баландининг учиш программасига ўтган икки кун мобайнида космик технологияга доир тажрибалар, ер ионосфераси ва магнитосфераси тадқиқотлари киритилган эди. Экипаж комплексга регламент — профилактика хизмати кўрсатишга доир бир қанча режалаштирилган тадбирларни ҳам бажарди.

Фазогирлар «Прогресс-42» автомат транспорт кемасидаги ишни ниҳоясига етказмоқдалар. Улар орбитага олиб чиқилган юкларни станцияга ва модулларга жойлаштириб, кеманинг бўшаб қолган бўлмасига ишлатиб бўлинган ускуналарни жойлаштирмоқдалар. Эртага станциянинг ёқилғи бакларини ёнилғи ва оксидловчи моддалар билан тўлдириш борасида якунловчи ишларни бажариш режалаштирилмоқда.

Комплекснинг ташқи қисмига ўрнатилган аппаратлар ёрдамида ер атрофи фазосида микрометеоритлар оқимини ўлчашга доир тажрибалар ва очиқ космоснинг турли материалларга таъсир омиллари тадқиқотлари давом эттирилмоқда. Ерга телеметрия канали орқали келаётган илмий ахборотлар ишлаб чиқилиб, ўрганилмоқда.

Тиббий назорат натижаларига кўра, Анатолий Соловьев билан Александр Баландининг саломатлиги яхши. Парвоз нормал ўтмоқда.

Илм масканларида

МАКТАБДАГИ ИМТИҲОН — ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА ЙЎЛЛАНМА

Тошкентнинг Куйбишев районидаги 140-мактаб битирувчилари учун бу йилги физика ва математикадан имтиҳон баҳолари жумҳурият олий ўқув юртларига кириш учун кафолат бўлиши мумкин.

Бу мактабда аниқ фанлар чуқур ўрганилмоқда. Бу ишда «Электроника» илмий-ўқув марказининг, Тошкент политехника институти радиоэлектроника ва автоматика факультетларининг ва ТошДУ физика факультетининг олимлари ва мутахассислари кўмаклашмоқда. Бутун йил давомида мактаб аудиторияларида мактаб ўқувчилари билан бирга маслаҳатчилар — аспирантлар, илмий ходимлар, олий ўқув юртларининг муаллимлари ишлашади.

Ўзбекистон шўролар ижтимоий жумҳурияти Фанлар академиясининг У. А. Арипов номли Электроника институти лабораторияларида юқори синф ўқувчилари амалий машғулотлар ўтказишади, курс ишларини ҳимоя қилишади, хуллас, олим меҳнати билан танишишади. Айтиш керакки, ўқувчилар имтиҳонларни топширганларидан кейин касбга ҳам эга бўладилар — улар илмий-текшириш институтларида лаборант бўлиб ишлашлари мумкин.

— Мактабимизда ўтказилаётган тажриба — илмий кадрларни мақсадга йўналтирилган тарзда тайёрлашга уринишдир, — деди мактаб директори О. Радомская ЎзТАГ мухбирига. — Бундай табақалаштирилган ёндашув болаларга турмушда ўз йўлларини онгли равишда танлаш имконини беради. Кейинчалик мактабнинг олий ўқув юртлари ва илмий институтлар билан блоқаси кенгайиб боради.

ШАНБА ОҚШОМИДА

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясида сўзлаган нутқида пойтахтликларни таъминлаш масалаларига тўхталар экан, шаҳар бозорларини ривожлантириш зарурлигига, уларга деҳқонларни, ўз томорқаларида маҳсулотлар етиштираётган хўжаликларнинг меҳнатчиларини жалб этиш зарурлигига эътиборни қаратди. Ҳа, Шарқда тўкин-сочин, арзон бозор ҳамиша халқни боққан. Бир пайтлари ўзининг файзи, кўрки, тўкин-сочинлиги, сотувчиларининг хушмуомалалиги билан шуҳрат қозонган шаҳримиз бозорларининг бугунги аҳволи қандай? Дарҳақиқат, кейинги пайтларда уларда ҳам муайян ўзгаришлар рўй бера бошлади. Хўш, улар нималардан иборат? Бозорларни ривожлантириш учун яна нималар қилиш керак? Мухбиримизнинг бу кабн, шунингдек, оқшомхонларнинг хатларида кўтарилган қатор саволларига Тошкент шаҳар деҳқон бозорлари бошқармаси бошлиғи Раҳматулла Маъруфович МУРОТХОНОВ жавоб беради.

— Айримлар бозорнинг турмушимизда тутган ўрнига етарлича аҳамият бермайдилар. Айниқса, ҳозир биз иқтисодий танглиқда яшаётган бир пайтда Тошкент аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ана шу бозорлар боқяпти-ку! Давлат эса ҳали биз талаб қилган даражада эҳтиёжларимизни қондиришга қодир эмас. Бас, шундай экан, биринчи галда бозорларда нарх-навони тушириш керак. Бу борада дастлабки муҳим қадам ташланди. Ўзбекистон ҳукумати четга мол чиқармаслик тўғрисида жуда тўғри қарор қабул қилди, деб ўйлайман.

— Бўлмасамчи, буни қарийб ҳамма (айрим ширкатлардан ташқари) мамнуният билан кутиб олди. Эндиликда четга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг чиқарилмаслиги бозордаги нарх-навога кескин таъсир қилди. Бозорларимиз, мана кўринг, арзонлашиб қолди...

— Бироқ Президентимиз И. А. Каримов шаҳар бозорларини айланганда, аниқроғи Олой бозорида бўлганларида дўкондаги гўштнинг баҳоси 5 сўмдан 6 сўмга чиқиб кетганининг гувоҳи бўлибдилар, бунн Тошкент шаҳар XXVII партия конференциясида ҳам типга олдилар. Шунн изоҳлаб берсангиз.

— Ҳозир гўшт аввалги нархига тушди. Менинг билишимча, бозордан, аҳолидан мол сотиб олиш қийинлашган. Шу сабабли нарх ҳам бирдан кўтарилиб кетди. Яхшиси, буни Тошкент шаҳар матлубот жамияти уюшмалари бошқармаси раиси Зоид Исломович Исмоиловдан сўраган маъқул.

З. Исмоилов шарҳи:

— Гўшт дўконларида нархнинг кўтарилишига асосий сабаб, ҳар бир республикада ҳозир ширкат қоидаларига турли ўзгартишлар киритиляпти. Шу сабабли «Шўро», «Кўктерак», «Сариоғоч» мол бозорлари маълум муддат бекилиб, тирик вазнининг нархи ошиб кетди. Биз асосан ана шу бозорлардан мол сотиб олардик. Аслида бизга 1 килограмм гўшт 6 сўмга тушади. Лекин бир сўм зарар бўлса-да, мол гўштини 5 сўмдан, қўй гўштини 6 сўмдан сотамиз. Бироқ ҳукуматимиз бизга ёрдам берадиган бўлди. Ана шу қарзни қоплашга ваъда берди. Янглишмасам, бу бир йилга 3,5 миллион сўмни ташкил этади. Илгари бир кунда 10 тонна атрофида гўшт сотсак, ҳозир кунига 18—20 тонна гўшт сотиляпти.

Хабарингиз бор, куни кеча матбуотда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов билан Қозоғистон ССР Президенти Н. А. Назарбоевнинг ўзаро мулоқотлари асосида Тошкент ва Чимкент областлари ўртасида иқтисодий шартнома тузилганлиги эълон қилинди. Уйлайманки, бу ўз самарасини беради. Бу фақат бизнинг дўконларимиздаги гўшт нархларигагина эмас, балки «кўл бозор»даги нархнинг пасайишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман.

— Раҳматулла Маъруфович, Тошкент шаҳар XXVII партия конференциясида «Олой», «Фарҳод», «Юнусобод», мавзесидаги бозорларни кенгайтириш кераклиги айтилди. Айтнигчи, бу борада айнан ҳозир нима ишлар қилиняпти!

— 1990 йилда бозорлар ишини яхшилаш, қайта тиклаш, ремонт қилиш ва ободонлаштириш учун 1 миллион 278 минг сўм ажратилган эди. Йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида 468,5 минг сўмлик иш бажарилди. Май ойи охиригача яна 130 минг сўм ўзлаштирилиши керак.

Кейинги пайтда аҳоли талабига кўра бир қатор мавзеларда бозорчалар, катта бозорларнинг филиаллари очилади. Жумладан, Ким Пен Хва кўчасида 40 та савдо ўринли, 2-Қорақамиш мавзесининг 4-даҳасида ҳам 40 та савдо ўринли, Юнусобод мавзесида 24 та савдо ўринли, Ҳамза районидаги Проектная кўчасида 30 та савдо ўринли бозор филиаллари фойдаланишга топширилди. Олой деҳқон бозорида эса «Сабзавотлар», «Гуллар» каби қатор дўконлар ҳам ҳамшаҳарларимиз хизматига тайёр. Бундан ташқари «Олой», «Бешёғоч», «Фарҳод», «Октябрь» деҳқон бозорлари анча тартибга тушиб қолди. Бу жойларда жами 68 минг сўмлик ободонлаштириш ишлари бажарилди.

— Шу билан бирга қайси бозорларда қурилиш ишларн олиб бориляпти! Янги бозорлар ҳам қурилядими!

— «Қорасув» (Қўйлиқ) бозорида 150 та савдо ўринли усти ёпиқ «пештахта» қуриляпти. «Қорасув» бозорига анча файз кириб қолди. Нарх-наво ҳам бу ерда жуда баланд эмас. Чунки чор атрофдан бу ерга деҳқонларнинг келиши осон. Келажакда бу бозорда ҳали анча ишлар қилинади. «Фарҳод» бозорида ҳам худди шундай 100 савдо ўринли жой қуриб битказиляпти. Унинг чиройи кун сайин очилиб боряпти. «Сельмаш» ва «Роҳат» бозорчаларида ҳам 94 ва 89 ўринли савдо нуқталари бунёд этиляпти. 304 ўринли «Високовольтний» бозорчаси ҳам қайта тикланмоқда. «Қорақамиш» деҳқон бозорининг маъмурий-хўжалик биноси қурилмоқда.

— Илгари бозорларнинг ичида чойхоналар бўлардн. Бозорга келиб маҳсулотни сотиб тугатолмаган деҳқон ана шу чойхонада тунаб қолардн. Айтмоқчиманки, чойхоналар меҳмонхоналар ўрнини ўтардн. Ҳозир эса... чойхона тугул кўпгина бозорларда меҳмонхоналар ҳам йўқ...

— Биз айнан ҳозир шу ҳақда бош қотираяпмиз. Ҳозирги ҳисоб-китобларимизга қараганда, бозорлардаги меҳмонхоналарни мизнинг ўрнини 160 ўринга кўпайтириш имкони бор. Бунинг учун қайта тиклаш ишлари олиб бориляпти. Янги меҳмонхоналар қуриш режамиз ҳам бор.

— Шу ўринда янги ёпиқ бозорни тилга олгинг келади, кишн. Бир пайтларн бу ерда 16 қаватли деҳқон меҳмонхонаси қуриш ҳақида гап борганди. Бу саробга айланиб кетмадимн!

— Ҳозир бу ерда қурилиш ишлари ҳал қилувчи босқичга кирди. Ундан ҳамшаҳарларимизнинг умиди катта. Бу ерда келувчи-харидор ва сотувчилар учун ҳамма қулайликлар бўлади. Сиз айтган меҳмонхона ҳам бўлиши аниқ.

— Энди тўғридан тўғри оқшомхонлардан келган мактубларга жавоб берсангиз. Муштарнй ншчн Ш. Аҳмедов шундай ёзади:

— Кейинги пайтда бозорларда нарх-наво кўтарилиб кетди. Узумининг бир килограмми 8 сўм. Ахир 8 сўмга 80 та обн нон беради. Олма — 7 сўм. Туршак, майизларни-ку, айтмайин—8 сўмдан 13 сўмгача. Нима, биз Сибирда яшаяпмизмн! Ўзбек деҳқонининг тантилигн қанн!

— Бозорларда сотилаётган барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бозор маъмурияти томонидан нарх-наво қўйиш ёки сотувчи ва колхозчилардан маҳсулотни уларга тегишли эканлиги ҳақидаги ҳужжатни талаб қилиш қатъиян ман этилган.

Нархлар тўғрисида эълонлар осиб қўйиш ҳам қонунга хилофдир, — деб уқтирилади СССР ва Иттифоқдош республикаларнинг асосий гражданлик қонунининг 40-моддасида. Ушбу қонун 1961 йилнинг декабрь ойида СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган. Бу қонун 1980 йилда ҳам қайта тасдиқланди.

Бозорларда сотилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ва бошқа маҳсулотларнинг нарх-навосини арзон бўлиши давлат ва ширкат савдо магазинларида маҳсулот кўп ва сифатли бўлишига боғлиқ.

Тошкент шаҳар деҳқон бозорлари бошқармаси томонидан бозор нархларига таъсир ўтказиш мақсадида айрим тадбирлар амалга оширилмоқда, яъни маҳсулотлар арзон нархларда бўлиши учун 1990 йилга 40 га яқин Тошкент вилоятидаги колхоз ва совхозлар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари келтириб сотиш юзасидан шартнома тузди.

Шу йил давомида колхоз ва совхозлар ўз дўконларида 6 минг тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини аҳолига сотадилар.

Бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан олиб сотарлик қилувчиларга қарши кураш мақсадида деҳқон бозорлари ва бошқармамиз томонидан ҳар ойнинг 3 кунида бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларн билан доимий савдо қилувчилар рўйхатга олинади ва шаҳар ҳамда ички ишлар бўлимига хабар қилинади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини юқори нархда сотаётган айрим сотувчилар билан эса бозор маъмурияти доимий суҳбатлар ўтказади, уларни ўз маҳсулотларини арзонроқ сотишга чақиради.

— Оқшомхон Х. Суюнов қурилиш муносабати билан «Октябрь» деҳқон бозоридаги тартибсизликлар, камчиликлар ҳақида ёзган эди...

— Ушбу хат деҳқон бозорлари бошқармасининг навбатдаги кенгашида ҳамма бозор мудирлари иштирокида муҳокама қилинди. Бу кенгашда «Октябрь» колхоз бозорининг мудири ҳам иштирок этди.

Х. Суюнов ўз хатида барча масалаларни аниқ кўрсатиш билан бирга, бозорлардаги камчиликларни ҳам тўғри таъкидлаган. 80-йилларнинг бошларида қурилиши бошланган ёпиқ бозор ҳали ҳам тўла ишга тушгани йўқ. Эски бозорнинг айрим расталари қурилиш майдонига тушиб қолиши натижасида мавжуд расталардаги савдо ўринлари сони сотувчилар сонига мос келмай қолди. Шу сабабли кўпчилик сотувчилар ўз маҳсулотларини ерга қўйилган тоғора-яшчик ва тўр халталарда сотишга мажбур бўлдилар. Айрим кунлари сотувчилар кўплигидан бозор расталари ўртасидан юриб ўтиш қийинлашди. Шундай шароитда бозорни кун бўйи супуриб тозалаш оғирлашди, айрим ҳолларда эса савдо пайтида бундай супуриб тозалашлар сотувчи ва харидорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Бозорнинг озодалигини сақлаш мақсадида ҳар куни кечқурун тозалаш ишлари ўтказилади. Баҳорги-ёзги мавсум бошланиши билан бозор ҳар куни кечқурун соат 20.00 дан сўнг махсус автотранспорт воситасида ювилади.

— Яна бир мактуб, оқшомхон Х. Абдураҳимов ҳар якшанба куни «Отчопар» бозорига кирнш учун ҳар бир кишидан 20 тийин олинаётганини ёзган. Нима бу пул ишлашнинг яна бир янги турими!..

— Тўғри, бу ҳақда биз ҳам эшитдик. Лекин Тошкент отчопарида ташкил этилган бозор бизнинг қарамоғимизда эмас. Шунинг учун бир нарса дейиш қийин. Яхшиси, бу ҳақда Тошкент шаҳар ижроқўмига мурожаат қилгани яхши.

Ҳа, шаҳримиз аҳолисининг бозордан умидн катта. Нарх-навонинг бир мунча тушиши бизни қувонтиради. Ўйлаймизки, бошқарма деҳқон бозорлари ишини ривожлантириш ва нарх-навони арзонлаштириш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилади.

Суҳбатдош Тўхтамурод ТОШЕВ.

Бу ҳақда XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясида гапирилди

БОЗОР ВА НАРХ-НАВО



Дўстликнинг олтин занжири



КЎП ЎҚИГАН— КЎП УҚАДИ

Дўст билан обод уйинг, деганларидек, қон-қардошлик ҳам дўстлик меҳридан туғилади. Маълумки, қадимдан Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек ва қозоқ халқлари, айниқса, адиблари ўртасида бир ажиб қадрдонлик, дўстлик ва ога-инилик туйғуси жўш уриб келади. Қозоқ халқи билан ўзбек халқи қон-қардош, адабиётларимиз ҳам қон-қардош. Шоир ибораси билан айтганда, ёзувчи-ю шоирларимиз бири-бирига устозу бири-бирига шогирд. Мана шундай самимий ва оқибатли дўстлик ришталарини боғловчи адабиётшунос олимлар борки, уларни икки халқ қалбини туташтирувчи олтин кўприкка қиёс этсак арзийди.

Ўзбек ва қозоқ адабиёти қон-қардошлиги анъаналарини бойитишда филология фанлари доктори, профессор Махаш Бекбергеновнинг заҳматли меҳнати салмоқлидир. Олим билан қуйидаги дилкаш суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

— Махаш Бекбергенович, сизнинг ёшлик йилларингиз Олмаотада ўтган бўлса ҳам, илмий фаолиятингизнинг асосий қисми Тошкент шаҳрида кечган. Шу билан боғлиқ хотираларингизни эсласак.

— Яхши. Кўп ўқиган—кўп уқади, дейишади. Лекин ҳаётнинг паст-баландини, аччиқ-чучугини тотмай, бошдан кечирмай одам бўлиш қийин. Болалик йилларим, ёшлигим қийинчиликлар билан ўтди. Илм-фанга тиришқоқ эдим. Овулимиздаги мактабни яхши тамомлаб, Олмаотадаги Абай номли ўқитувчилар институтини ҳам имтиёзли диплом билан тугатдим. Сўнг Қозоғистон ССР Фанлар академиясида аспирантурада ўқидим. Чимкент ўқитувчилар тайёрлаш институтида дарс бердим. Ҳуллас шу пайтларда, 1949 йили Тошкентдаги А. Островский номидаги театр ва рассомлик санъати институтига ўқитувчиликка таклиф қилишди, кейинроқ Тошкент Давлат дорилфунунида ҳам дарс бердим.

— Ўзбек ва қозоқ адабиёти қардошлигига қай пайтдан сизда ихлос туғилди?

— Тошкентнинг қуёши, суви, ҳавоси, сўлим табиати, айниқса, бағри кенг ўзбек халқининг меҳри зиёси ўзига мафтун этди, 1949 йилда Тошкентга келдиму, ҳаётим бу улкан шаҳар билан боғланиб кетди. Айниқса, 1953 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида ишлай бошлаганимда икки қардош халқ адабиётининг дўстлигига бутун меҳрим билан ҳисса қўшишга аҳд қилдим. Бу олийгоҳда талабаларга СССР халқлари адабиёти ва қозоқ адабиёти тарихидан билим бердим, шу зайл икки халқ адабиётига муҳаббатим жўш уриб борди.

— Олийгоҳда қандай кишилар билан ҳамнафас бўлиб, елкама-елка ишладингиз?

— Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида ажойиб баурларим — Мақсуд Шайхзода, Абдулла Бобохонов, Шопўлот Абдулаевлар билан ҳамнафас бўлдим. Илмий ишларимда, айниқса ўзбек адабиётини чуқур эгаллашимда буюк аллома Мақсуд Шайхзодадан кўп нарса ўргандим. Қалби дарё, илми уммон бу қалами ўткир шоирнинг ақл-заковатини, қувват ҳофизасини сўз билан ифодалаш қийин. Ўзбек ва қозоқ адабиётини севиб ўрганиб, 1964 йилда фан номзоди бўлдим, ўшанда баурим Шайх мени қучиб табрик этганини бир умр эсимдан чиқармайман. Ўзбек қардошларимдан кўп яхшиликлар кўрдим.

— Сизнинг «Сўз санъаткори», «Озодлик курашчилари», «Алангали йиллар солномаси», «Ғабит Мусрепов прозаси» каби рисолаларингиз кенг жамоатчилик орасида маълум ва машҳур. Бу асарларни яратишингизда нималар асосий омил бўлган?

— Қозоқ ва ўзбек халқи қон-қардош бўлгани каби, адабиётимиз ҳам бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган. Мухтор Авезов машҳур ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»ини ўқиб таҳсин-офарин айтган. Мухтор Авезов, Ойбек, Собит Муқонов, Ғафур Ғулом, Ғабит Мусрепов, Миртемир, Абдулла Тожибоев, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад бир-бирларини севишган, севиб ўқишган, севиб-қадрлашган. Мен ўз илмий фаолиятимда ўзбек адабиёти намояндаларининг ҳаёти ва ижодини қозоқ китобхонларига тарғиб қилдим, айни пайтда қозоқ адибларининг асарлари ва ҳаётларини Ўзбекистонда кенг ёритишга баҳоли қудрат ҳисса қўшдим.

Менинг қалбимни яна бир нарса қувонч-ифтихорга тўлдиради. Ўзбек диёрида ўқитувчилик қилиб Озод Шарафиддинов, Носир Фозилов, Жуманиёз Жабборов каби ўнлаб етук олим ва адибларга илм бердим.

— Қирқ йилдан ортиқ вақтдан бери Тошкентда яшаб, икки халқ адабиёти ва дўстлигига ҳисса қўшаётганлигингиздан мамнунмисиз?

— Жуда мамнунман. Қозоқ юрти она диёрим бўлса, Ўзбекистон — Тошкент иккинчи она диёрим бўлиб қолди. Шу ўринда баурим, дўстим Мақсуд Шайхзоданинг «Тошкентнома» достонидаги мана бу сатрлар ёдимга тушиб кетди.

Тошкентни севмоқлик юракнинг иши,
Шу учун шартмикан бунда туғилмоқ!
Шартми, бир романга ишқибоз киши
Ўзи у романга қаҳрамон бўлмоқ!
...Қаламга нур олдик биз Советлардан,
Эшитган эдимки мўйсафидлардан:
Кўчат кўчиб келиб экилган тупроқ,
Унинг Ватанидир дейиш тўғрироқ.

Нақадар дилкаш мисралар! Булар менинг юрагимни ифодалаб турибди. Мен ўзбек диёрида Ғафур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор каби ўнлаб алломалар билан дўст бўлдим, қозоқларнинг буюк сўз усталари билан адабий мулоқотда бой хазина тўпладим, ўнлаб рисолалар ёздим, фан доктори, профессор унвонларини, СССР халқ маорифи ва Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси нишонларини, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини олдим. Мен содда бир қозоқ йигити нурли ҳаётимиз йўлидан бориб, олим бўлдим, Коммунист сифатида, меҳнат кексаси сифатида ҳозирда ҳам ўзбек ва қозоқ адабиёти қардошлигига бутун кучимни сарфлаяпман.

Турғун АШРАФХОНОВ.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

⊙ СОҒЛОМ турмуш тарзини жойларда кенг тарғиб қилиш борасида шаҳримизнинг кўпгина районларида ибратли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Куйбишев районида дастлабки тажрибалар орттирилди.

Бу ерда ташкил қилинган «Бир пиёла чой устида» деб номланган ҳушёрлик клуби йўли билан амалга оширилаётган тадбирлар айниқса диққатга сазовордир. «Юлдуз» маданият уйи ҳузурида фаолият кўрсатаётган ушбу клуб фаоллари райондаги йирик саноат корхоналарида «Ҳушёрлик давра суҳбатлари»ни ўтказишга ҳам киришдилар. Шунингдек, чойхоналар қизил бурчакларида уюштирилаётган тиббий мавзулардаги саволжавоблар ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

Ана шу жўшқин фаолиятни учун клуб яқинда муносиб тақдирланди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга ўтказилган вилоят кўрик конкурсида масъул жамоа иккинчи даражали мукофотга сазовор бўлди.

Саодат ОДИЛОВА.

Шанба фельетони

СУВГА— АРИҚ,



ОДАМГА— ЧОРИҚ...





Биласиз, ҳамма юради. Э, кечирасиз, нега пиқирлаб куляпсиз? Кўнгил эгри бўлгандан кейин шу-да, дарров тескарисини тушунасиз. Тўғри маънода тушуниш керак, бўтам. Қизиқчи Ҳожибой акам айтганларидек, оёғи бўлгандан кейин юради-да, юрмай нима қилсин?! Ўтирсинми? Керак бўлгандан кейин юрасиз...

— Юргандан кейин яланг оёқ юрмаса керак?

— Ҳа, албатта. Бир қушга ҳам дон, ҳам сув керак деганларидек, бир жуфт оёққа ҳам туфли, ҳам пайпоқ керак.

— Туфли дедингизми? «Импорт»ини топиб бўпсиз.

— Ана, Тошканники тўлиб ётибди. Хоҳлаганча олаверинг.

— Э, ўлсин, ҳаммасини қорни оч, бир кун ўтмай тумшуғидан оёғингиз сичқондек мўралайди... Баъзиларини тили осилиб кетадими-ей...

— Ремонтчилар пашша қўриб ўтиришибди, олиб боринг, ямаб беришади.

— Э, ямайвериб бир туфлининг ақчаси кетди. Тунов куни бир туфли олувдим. Тавба, хўп қизиқ бўлди-да, боя айтганимдек, бир кун киймасимдан жағи йиртилиб кетди. Кечаси эса тушимга кириб юрибди. Балога тушмагур, кўп қўрқитди-да... Туф-туф, ҳали-ҳали эсласам ўтакам ёрилай дейди.

— Хўш, хўш...

— Бир кун аввал дўконларни айланиб, ялтироқ темир чойнак қидириб, обдан чарчадим. Кечқурун қотиб қолибман. Ширин туш кўраётган эдим. Кимдир менга севги изҳор қилаётган эди. Бирдан шу ўлгур денг, 1-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган туфли: — «Тур сен бракчисан, сени осиш керак» дейди. Қўрққанимдан кўзимни очолмайман. Бир маҳал атрофимни ўтган йили ЦУМдан қайтарилган 1443 жуфт ҳар хил қийшиқ, маймоқ оёқ кийимлари, ГУМдан брак деб қайтарилган 2489 жуфт оёғи йиртиқ пойабзаллар ўраб олишса бўладими! Чумолидек талаб кетишди. Бир тили узуни бор экан:

— Бугундан бошлаб сен биз бракларнинг вакилисан, хўп-ми, — деди кўзларини олайтириб. — Ўша пойабзалчиларингга, уларнинг раҳбарларига айтиб қўй, ишлашса тузук ишлашсин. Йигирма йилдан бери жаҳон стандартлари даражасига чиқамиз деб оғиз кўпиртиришади. Аммо ҳеч вақо йўқ. Билиб қўйишсин, «Мингтага айтиб қўй, ишчиларнинг малакасини оширишсин, технология жараёнларини такомиллаштиришсин, бракчиларга қарши ўт очишсин, назоратни кучайтиришсин...

Ҳа, айтгандай ўтган йили «Ташобувьторг» 22 марта норозилик билдириб, 46,9 минг сўмлик маҳсулотни қайтарган. Ва бунинг учун корхона давлат чўнтагидан 3,9 минг сўм жаримани жарақ-жарақ тўлаган эди. «Алдагани бола яхши» деб «Болалар дунёси»ни ҳам алдашган экан. Лекин болалар — ҳушёр халқ. Улар ҳам бирлашмага 7,7 минг сўм жарима солишибди. Бунақада корхона бор буди-шудидан айрилиб, ўтириб қолади-ку!.. Айт, вақтида эс-ҳушларини йиғиштириб олишсин. Одамларнинг талаб ва эҳтиёжи билан ҳисоблашишсин. Калиш шу экан деб кийиб кетаверадиган замонлар ўтиб кетган, окаси...

— Ҳим-м, нега нафасинг ичингга тушиб кетди? Айтасанми, айтмайсанми, айт?

— Ҳа, ҳа, албатта айтаман, албатта етказаман, — дедим жон ҳолатда турли томондан санчилаётган найзалардан жоним оғриб. — Илгари айтмасам ҳам энди айтаман, ҳозир ошкоралик.

— Қани, нима дейсан? — деди брак пойабзаллар турли томондан қичқиришиб.

— Кўзни очинг, тошкентлик бракчи, пойабзалчилар, агар сифатли оёқ кийими ишлаб чиқармасанглар, худди мени кунимга тушасизлар, — дейман...

— Ҳа, балли! «Ҳар оғриқнинг давоси бор, ҳар эмгакнинг чораси, сувга — ариқ, одамга —чориқ керак». Билдингми?

— Билдим, билдим, — дея бир силтанган эдим кўзим мошдек очилиб кетди. У ёқ, бу ёғимни чимдалаб кўрдим, оғрияпти. Э, ҳайрият, тушим экан деб ўрнимдан «дик» этиб турдиму, брак туфлини қўлтиғлаб редакцияга чопдим. Бор гап шу!..

Марат ХАЛИЛОВ.

⊙ СУРАТЛАРДА: муаллифнинг суҳбатдоши тушига кирган—Тошкент 1-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасн тайёрлаган брак оёқ кийимлари.

МЕҲНАТКАШЛАР ҲУЗУРИДА

⊙ МУҲИДДИН ҚОРИЕҚУБОВ номидаги жумҳурият Давлат филармонияси қошидаги «Шодлик» ансамблининг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулшод Отабоева етакчилигидаги бир гуруҳ санъаткорлар Самарқанд вилояти меҳнаткашлари ҳузурига жўнаб кетишди.

Ансамбль репертуаридан совет бастакорларининг сўнгги асарлари асосида тайёрланган рақс ва ашулалар ўрин олган. Ансамбль самарқандлик пахтакорлар ва ишчилар ҳузурида бир ой сафарда бўлади.

«Мўъжизалар оламн» деб аталган дорбозлар ва сеҳргарлар гуруҳи Хоразм вилояти меҳнаткашлари ҳузурида ўз санъатларини намойиш қиладилар.

Дилмурод ОБЛАЕВ.

ШАНБА ОҚШОМИДА

Томошадан кейинги ўйлар





АДАШГАНЛАР ҚИСМАТИ

СЎНГГИ парда туширилди. Драматург Тўлқин Муҳиддиннинг «Адашганлар» саҳна асари томошабинларни лоқайд қолдирмади. Муаллифнинг бу асарини Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрининг истеъдодли фаоллари саҳналаштиришган.

Одатда, ҳар қандай асарга ихлосмандлар одил ҳакам бўлиб баҳо берадилар. «Адашганлар» спектакли тугагач, санъат ихлосмандлари асар ижодкорларини олқишлаб анча вақтгача қарсак билан табрик этишлари унинг манзур бўлганидан далолат бериб турарди. Буни томошабинларнинг ҳаяжонларидан ҳам билиш мумкин эди.

Режиссёр Лутфулла Саъдуллаев йиғилганларга бугун ўзига хос байрам эканини, бир оз танаффусдан сўнг кулги кечаси — «Қаҳқаҳа» бўлишини, унгача таниқли хонанда Комилжон Баратов ва театр артисти М. Исҳоқовлар фойеда концерт беришларини маълум қилди. Биз шу фурсатдан фойдаланиб томошабинлардан асар ҳақидаги фикрларини сўрадик:

Нурхон ЗУЛИНОВА, «Баҳор» халқ рақс ансамбли партия ташкилотининг котибаси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори:

— «Адашганлар» асарида муҳим ва долзарб мавзу кўтарилган. Асар шахсан менга жуда маъқул бўлди. Ҳаяжон билан томоша қилдим. Барча актёрлар ролларни юксак савияда ижро этишди. Айниқса Лобар, Карим, Санобар, Люда ва Ойгул ролларини ижро этган санъаткорлар изланиши таҳсинга сазовор. Улар ҳаракатидаги табиийлик кишини ўзига ром этади. Қўшиқлар мазмунан тўғри танланган.

Ҳимайдулла АКРАМОВ, Пискент район партия комитетининг котиби:

— Ёш томошабинлар театри ижодий жамоаси ва режиссёр Лутфулла Саъдуллаев меҳнатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳақиқатан ҳам ертўлаларда, кимсасиз омбор ва ҳужраларда шундай кун кечираётган ёшлар бор. Улар сураётган «давру-даврон» саҳнада аёвсиз фош этиб ташланди. Бу драматург изланишларининг меваси. Драмани жумҳуриятимизнинг турли жойларида кўрсатиш, ёшларни шундай таъсир кучлари билан тарбиялаш керак.

Иброҳим ПЎЛАТОВ, Пискент районидаги «КПСС XXVI съезди» совхозининг бўлим бошқарувчиси:

— «Адашганлар» томошасини кўриш учун Пискентдан атайлаб келдим. Бундан 15—20 йиллар бурун бундай воқеаларни чет эл сафарига борганимда кўргандим. Афсуски, бу иллат жумҳуриятимизнинг баъзи марказий жойларида ҳам пайдо бўлди. Шу жиҳатдан, баъзи ёшларнинг бугунги ҳаёти асарда аниқ ифодаланган. Аслида халқимизга, элимизга бундай ярамасликлар ёт нарса. Катта ҳаёт бўсағасида турган ёшларни тўғри йўлдан бошлаш учун, адашганларни фожиали йўлдан қайтариш учун биз таассуротларимизни бошқаларга ҳам етказишимиз даркор.

Дарҳақиқат энг одил ҳакам — томошабин. У ўзига манзур бўлганини тан олади, қалбига сингмаганини очиқчасига айтади. Бу асар ҳақида мутахассислар, адабиётчилар ўз фикр-мулоҳазаларини айтишади. Шу ўринда биз ҳам томошабин сифатида баъзи ўй-ниятларимизни айтишни лозим топдик.

Асардаги воқеа айни шу кунларда содир бўлади. Ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган Лобар исмли ёшгина қиз нобоп муҳитга тушиб қолади. Афсуски, шу кўйга тушган биргина у эмас, ундайлар ўнлаб бор. Ҳаётда яшашдан асл мақсад-маъно улар учун бир пул: маишатда яшасалар, ҳуморларини тарқатишга дори — афюн топсалар бас. Гўё улар бошқа бир дунёнинг одамлари. Савол туғилади: ўша баъзи ёшлар нима сабабдан боши берк кўчага кириб қолишаяпти? Бунга ким ва нима сабабчи? Биринчи навбатда, лоқайдлик эмасмикин?

Дарвоқе, ёшлар тарбиясига эътибор бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўсмирлар ўртасида ўсиб бораётган жиноятчилик, гиёҳвандлик ва фоҳишабозлик ҳар бир кишини жиддий ўйлантириб қўяди. Бу ярамас иллатлар кеча ёки бир ой бурун илдиз отмаган. Улар ўн беш, йигирма йиллар муқаддам — турғунлик йилларида пайдо бўлганди. Адиб ҳам Лобарнинг ўгай онаси — Санобар қиёфасида шуни таъкидлайди: «Сенга барибир, Сенга она керакми, — дейди она. — Санғиб юриш бўлса бўлди сенга! Фақат ўзингни ўйлайсан. Мен билан нима ишинг бор. Балки мен ҳам буви бўлишни, неварамни тиззамга ўтказиб эркалашни хоҳларман... Болам, мени қийнама. Менинг фарзандсиз ўтганим етар».

Бу билан онаизор билиб-билмай ўзининг ўгайлигини, ёшликдаги хатосини гапириб қўяди. Чунки бир пайтлар у ҳам адашган, саёқлик кўчасида «кезган», уни бу йўлдан Лобарнинг отаси Назир қайтарган эди. Афсуски, Санобарнинг энди оёғи шол бўлиб қолган. Юролмайди, қизининг қаерларда бўлишини билолмайди.

Турган гап, Лобар ўз ҳаётидан норози. Айниқса, кайфи тарқалиб ақли-ҳуши жойида пайтларида қилмишидан чексиз азоб чекади, севгилим Марат билиб қолса нима қиламан деб виждони қийналади. Гиёҳвандликнинг ҳумори тутганида ўзини тутолмай қолади. Ерга думалаб, тиришиб инсоний қиёфасини йўқотади. Ва биргина укол учун, маълум муддат ором учун ҳаммасига рози бўлади.

— Асар қизиқарли, янада қиёмига етиши учун муаллиф билан ҳеч эринмай қайта ишладик, — дейди саҳналаштирувчи режиссёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, жумҳурият Ленин комсомоли мукофоти совриндори Лутфулла Саъдуллаев. — Театримиз ёш томошабинлар театри бўлса-да, катталарга мўлжалланган саҳна асари тайёр бўлди. Биласиз, Абдулла Қаҳҳор номидаги жумҳурият Сатира театрида бу драма илгари қўйилганди. Кейинги саҳналаштириш жараёнида асар мукаммаллаштирилди. Ниятимиз шуни трилогия қилиш. Яъни, «Адашганлар»-дан кейин «Беҳаёлар», «Бедаво»ларни ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола қилишдир.

Муаллиф билан режиссёр ишини юзага олиб чиқадиган, қаҳрамонларга жон ато этиб асар оммалашиши актёрларга боғлиқ. Асардаги бош қаҳрамон Лобар қиёфасини ижро этган ёш, иқтидорли санъаткор Гулбаҳор Дадамирзаева меҳнатини алоҳида таъкидлаш даркор. У саҳнада роль ўйнамади, «ёниб» яшади. Шунингдек, пул учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган, имон-эътиқод нималигини аллақачон унутган Карим (Миршоҳид Раҳимов) образи ҳам ҳаётий чиққан.

Асарни янада мукаммаллаштириш учун баъзи ўринларда қаҳрамонларнинг айтишувини ихчамлаштириш, тилни нақл-мақоллар билан янада бойитиш, таъсир кучини ошириш, артист сўз билан ҳаракатни янада омихталаштириши айни муддао бўлади. Шунингдек, саҳна безакларини янада гўзаллаштириб, ҳар бир қаҳрамоннинг ўзига хос кийим-либосига ҳам эътибор бериш керак. Токи, буларнинг ҳаммаси адашганларнинг қисмат-тақдирини тўлдириб, асарнинг таъсир кучини оширсин.

Мухтасар қилиб айтганда, республика Ёш томошабинлар театри ижодий жамоаси ўз бисотини «Адашганлар» асари билан бойитганини табриклаш керак.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

⊙ СУРАТЛАРДА: «Адашганлар» асаридан кўринишлар.

Р. Шарипов суратлари.

Қатралар

ШИРИН СЎЗ

— АССАЛОМУ алайкум. — Ишга шошилиб кетаётган йигитнинг қўли кўксида.

Ота саломга алик оларкан, дил қулфи очилганидан янаям шод, уни дуо қилади: «Отангга раҳмат, бахтингни берсин!» Йўл-йўлакай яна қанча саломалик, яхши тилак, дуолар.

Ота новчароқ бир ёшга рўбарў бўлганда «Ё товба»лаб ҳайрон: йигитнинг икки қўли чўнтакда. Хода ютгандек — тиккатик ўтиб боради. Бошини баландлаб, олисларни қамраб олмоқчидек юқорилаб боқади. Ён-верига қайрилиб боқмас, гўё «ўзиники». Ё товба, бир оғиз ширин сўзнинг нимаси малол келаркин унга!! Саломингни еб қўйдингми, эй одобсиз, дея олдини тўссинми! Йўқ, кўнгил учун бундан нима наф. Унинг қалбини забт этиб, зўрлаб олинган салом самимий қалб саломидек ёқимли бўлармиди!

ПАЛАКЛАР

ҒОВЛАГАН палак қўшнисининг ҳосилдорлик сирини бошда сўраб билмоқчи эди-ю, ғурури йўл бермади. Қараса бўлмайдиган. Кечроқ бўлса ҳам сўради:

— Ҳой қўшни, нега сен кетма-кет гуллаб ҳосил тугаверасан. Мен бўлсам ҳанузгача гуллай олмадим.

— Менинг ўйим беғубор. Ёнимдан сув дарё бўлиб оқса ҳам керагини ичаман. Гуллаб тугавераман. Сен мендан қизғаниб сувни ортиқча ичиб қўйдинг. Ғовладинг. Бахилнинг ниҳоли гуллаганми ҳеч!! — жавоб берди ҳосилли палак.

Ғани АБДУЛЛАЕВ,
боғбон.

Шифобахш неъматлар

БУЙРАККА ЎХШАЙДИГАН ЎСИМЛИК

ЛОВИЯ — дуккакдошлар оиласига мансуб бўлган бир йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, шохланган бўлиб, бўйи бир-уч метргача боради. Барги навбат билан пояда ўрнашган. Гули оқ, сариқ, қўнғир, бинафша рангда бўлади. Меваси — цилиндрсимон, силлиқ, уруғи йирик, узунлиги 5—15 миллиметр, турли хил рангда бўлади.

Ловиянинг 200 га яқин тури бор. Ловия дони таркибида ҳаёт учун зарур бўлган маъданлар ва дармондорилар бор. Шунинг учун ҳам ловия кўҳна замонлардан ҳам ғизо, ҳам шифо сифатида ишлатилиб келинмоқда.

Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Синонинг ёзишича, ловия буйрак, кўкрак ва ўпка учун яхши. Унинг бир тури — боқило — йирик ловия ҳам бор. Буни энг яхшиси семиз, оқ ранглиси бўлиб, энг ёмони янгисидир. Унда дам қилиш хоссаси бор. Уни яхшилаб қайнатилса, дам қилиш хусусияти кетади. Ҳазми суст бўлади. Йирик ловиянинг пўсти олингандан кейин иккига айириб, қон кетиб турган жойга қўйилса, қонни тўхтатади. Пўстидан қуюқ суртма қилиб сочга суртилса, уни юмшоқ қилади. Йирик ловия пўсти билан бирга ишлатилса, юздаги доғни, сепкилни, қизил қонталашни кетказади, рангни яхшилайди.

Баъзи ҳакимлар айтишича, қайси ноз-неъмат, қайси аъзога ўхшаса, ўшанга даво бўлар экан. Ловия буйракка ўхшагани учун буйракка даво бўлади, дейишади. Чиндан ҳам халқ табобатида ловия гули дамламаси буйрак, пешоб халтаси хасталикларида, юрак-қон томир системаси (қон босими ошганда, юрак кучсизланганда), қандли диабетда, бод сингари касалликларда ишлатилган.

Ўт (сафро) ва буйрак-тош хасталикларида гулидан тайёрланган дамлама тавсия этилган. Бунинг учун гул дамламаси қуйидагича тайёрланади: 20 грамм гулни 200 грамм қайноқ сувга солинади, чой сингари дамланади. Сўнг ярим стакандан 3—5 марта таомдан олдин ичилади.

Ловиянинг пишган дони, пояси, пўсти, немис халқ табобатида буйрак хасталигида, қандли диабетда ишлатилган, ловияда тозалаш, тошларни нуратиш, пешоб ҳайдов таъсири бор.

Ловия дони унидан асалга қориштириб тайёрланган дори яра, чипқонлар етилишида ёрдам беради. Кавказда ловиянинг қайнатмаси болаларда ич кетиш хасталигида берилади.

Ловиянинг шифобахшлиги билан бирга, уни нохуш асоратлари ҳам бор. Киши уни кўпроқ истеъмол қилса ташвишли тушлар кўрсатади, янгиси қичимани пайдо қилади, бошни оғритади. Шунинг учун меъёрни билиш керак.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
фарғоналик доришунос.

«ҲАМШАҲАРЛАР» — БУТУНИТТИФОҚ ТАНЛОВИГА

ИЖОД машаққати. Уни бошидан кечирган, кунни тунга улаб кўрсатув тайёрлаган киши кўпроқ билади. Ойнаи жаҳон мухлисларига ярим соатлик жонли, долзарб мавзудаги томоша тайёрлаш учун озмунча меҳнат қилиш керакми? Яна унинг кетида бир эмас, қанча одам овора. Шундай қийин дамларда фақат бир умидгина ижодкор қалбига таскин беради: халқимга манзур бўлса бас.

Муҳаррир ишини рўёбга чиқарадиган ҳам, ерга урадиган ҳам — режиссёр «Қарс икки қўлдан» деганларидек, муҳаррир ҳар қанча изланувчан бўлса-ю, режиссёр уни қўллаб-қувватламаса, куйиб-пишмаса бари фойдасиз.

Нигора Назарова ёш бўлсада режиссёрлик соҳасида етарли тажриба тўплаган ижодкорлардан. Бир неча йилдирки, Ўзбекистон «Ойнаи жаҳони»нинг «Тошкент» студиясида ишлаб келаяпти. У элга манзур жуда кўп кўрсатувлар тайёрлади. Айниқса «Ҳамшаҳарлар»и алоҳида эътибор қозонди.

— Ўтган йилнинг бошларида «Ҳамшаҳарлар»нинг биринчи сонини телетомошабинлар эътиборига ҳавола қилдик, — дейди кўрсатув муҳаррири ҳамда олиб борувчиси Шавкат Азизов. — Раҳбарлар, устозлар бизга ишонишди, ёрдам беришди. Ишончларини қўлимиздан келганча оқлашга ҳаракат қилдик. Нигора Назарованинг мен билан бирга бўлиши катта мадад бўлди. У изланувчан, талабчан режиссёр.

Режиссёрлик аёл киши учун осон иш эмас. Унинг ёзилмаган қанча қонунларию қанча машаққатлари бор. Лекин инсон ўз касбини севса, ёниб ишласа ҳар қандай машаққат чекинар экан.

— Сен билан бирга ишлайдиган муҳаррир тиниб-тинчимас, ташаббускор бўлса режиссёрга энг катта руҳ шу, — дейди Нигора. — Албатта бир-бирини ҳам тушуниши даркор. Лекин бу келишувчилик дегани эмас. Ҳақиқий кўрсатув ижодий баҳс ва қизғин мунозара туфайли яратилади. Бир кўрсатувни томошабинларга озгина бўлсада манзур қилолдингизми, кейингиси унисидан яхшироқ бўлиши лозим. Шундагина ҳар бир одам кўрсатувингизни орзиқиб кутади.

Дарҳақиқат, ижодкорнинг биринчи, ҳам энг одил ҳаками халқ. У ўзига сингганини мақтайди, кўнгли тўлмаганини ошкора танқид қилади. Мана, ёзиб юборилган фикр-мулоҳазалардан баъзилари!

«Ҳамшаҳарлар» кўрсатуви бугунги кун муаммоларини дадил кўтараётган кўрсатувдир.

Б. Жавбўриева,
Жиззах вилояти, Мирзачўл райони, 21-«а» совхози, Ғ. Ғулом кўчаси, 12-уй».

«У кўпчилик меҳрини қозониб, дилдаги гапларни айтяпти.

Х. Раҳматуллаев,
Чорсу даҳаси, 5-уй, 16-хонадон».

«Ҳамшаҳарлар» жуда яхши тайёрланяпти. Унинг ижодкорлари одамлар ичида юриб халқни ўйлантираётган муаммоларни ўрганишяпти. Турли об-ҳаво шароитларида, турли вазиятларда ишлайдилар. Уларга ижодий муваффақиятлар тилайман.

С. Хўжаев,
Путилов кўчаси, 209-уйда яшовчи».

Бундай мактублар жуда кўп, улар юзлаб. Ҳаммасида дил истаклари, мулоҳазалар битилган. Шунингдек, телетомошабинлар ўз ўрнида танқид ҳам қилишган, хато ва камчиликларни кўрсатишган. Албатта иш бор жойда хато бўлади. Муҳими, халқ дилидагини айтишдан, изланишдан қолмаслик.

Яқинда «Тошкент» студиясининг Нигора ва Шавкат биргаликда тайёрлаган кўрсатувлари Бутуниттифоқ танловига тақдим этилди.

Муқаддас ТЕМИРОВА.



⊙ СУРАТДА: (чапдан) муҳаррир Ш. Азизов ва Н. Назарова навбатдаги кўрсатувга тайёрланишаётган пайт.

⊙ Қобилжон Мирзааҳмедов Андижон шаҳрида туғилган. В. П. Чкалов номли мактабнинг 4-синфида ўқиб юрганида бахтсиз ҳодиса туфайли икки кўзи ожиз бўлиб қолди-да, Ленинск шаҳридаги кўзи ожизлар мактабида ўқишни давом эттирди. Тақдир экан, энди у қўллар оддий қаламда эмас, нина билан ёзадиган бўлди. 1973 йили Фарғона Давлат педагогика институтининг тарих факультетини тугатиб ҳозирда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти область маҳкамасининг раиси бўлиб ишламоқда. Қобилжон илгаридан ўз дил дардларини шеър билан ифодалаб юрди. Бора-бора унинг шеърлари вақтли матбуотда тез-тез эълон қилина бошлади. Андижонлик хушовоз хонандалар унинг қўшиқларини севиб куйлашадиган бўлди. Қуйида иродали Қобилжон Мирзааҳмедовнинг шеърларидан намуналар ёритдик.



БЎЛМАСА

Бахтни — бахт дерми киши,
Бахтинг сафоси бўлмаса.
Аҳдни аҳд дерми киши
Унга вафоси бўлмаса.
Подшоҳ бўлган билан
Элга ҳеч наф қилмаса,
Тахтни — тахт дерми киши
Ҳукми доноси бўлмаса.
Уйлама дил қаролик
Ҳар лаҳза қилгин яхшилик,
Вақтни — вақт дерми киши,
Зарра маъноси бўлмаса.
Бўй чўзиб, савлат тўкиб
юрганда дўстлар кўп бўлиб,
Бел букилганда бекор,
чин ошноси бўлмаса.
Дўст эмас, дўстлик учун
тикмаса ул жонини,
Тилда бол, дилда ғубор
бўлса, фидоси бўлмаса.
Камсухан, камтаринлик
ҳам садоқат бўлса жам
Ҳар кишида муҳаббат
бўлса, жафоси бўлмаса.
Ҳамма ҳам ҳамкор бўлиб,
қувса бахтиқароликни,
Бу оламнинг битта ҳам
бахти қароси бўлмаса.

ҲИЖРОН

Ҳуснидан қилди инъом,
жаҳонга офтоб бўлди.
Оразин шуъласидан,
жисму-жон кабоб бўлди.
Сўзладим дил розини,
бўғзима келди жоним,
Лаъли лаблар қимтиниб,
йўқ деган жавоб бўлди.
Илтижо қилдим сўраб,
майли ҳок-пойинг бўлай.
Қўй, деди айтган сўзим,
то абад ҳисоб бўлди.
Мисли чақмоқ чақнади,
яшин тушди жонима,
Ногаҳон қочди ақлим,
ҳушим ҳам итоб бўлди.
Исмини такрорладим
канда қилмай туну-кун
Хаёлдан кетди уйқу;
бир умр таркихоб бўлди.
Боқмади ҳаргиз менга
тишлари дур, зулфизар,
Қилганим орзу-умид
зар эмас, туроб бўлди...

Қобил МИРЗО.

Биринчилар

⊙ Мен «Тошкент оқшоми» рўзномасининг муштарийси сифатида «Энг... энг... энг...», ойнасўзи орқали берилаётган маълумотларни қизиқиш билан ўқиб бормоқдаман. Ўзим ҳам бир неча маълумотларни ёзиб эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдим.

⊙ Ўзбекистонда илк рўзнома «Туркестанские ведомости» рус тилида 1870 йилнинг апрелидан Тошкентда чоп этила бошлаган. Июль ойидан эса унга илова тарзида «Туркистон вилоятининг газети» ўзбек тилида чиқа бошлаган.



⊙ Ўзбекистонда биринчи табиат музейи 1876 йилда Тошкентда очилган. Ҳозирги пайтда бу бинода «Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи» жойлашган.

⊙ Ўзбекистонда биринчи темир йўл 1888 йилда қурилган. Бу темир йўл Фороб станциясидан Самарқандгача чўзилган эди.

⊙ Ўзбекистондаги биринчи шифохона 1868 йили Тошкентда очилган. Сўнгра бу даргоҳ госпиталга айлантирилган.

⊙ Ўзбекистондаги илк спорт жамияти 1882 йилда ташкил топган. У «Пойгачилар жамияти» деб номланган.

⊙ Биринчи цирк биноси 1914 йилда Тошкентда ёгочдан қурилган эди.

Нодир РАҲМОНОВ.

Бу—қизиқ

ЯНГИ «ГУЛЛИВЕРЛАР» БАҲСИ

СУВ полоси бўйича мусобақаларга новча спортчилар йиғилиб қолганда нима қилиш керак? Токио олимпиадаси ташкилотчилари ана шу масалани ҳал қила олмай анча қийналишди. Чунки, турнирга келган командаларнинг дароз спортчилари учун тайёрланган сув ҳавзаси саёзлик қилиб қолди.

Янги «Гулливерлар» мусобақани сузиб эмас, юриб ўтказадиган бўлишди. Нима қилиш керак? Ҳавзани чуқурлаштириш ҳам, ўйинларни бошқа шаҳарга кўчириш ҳам мумкин эмас. Бу катта молиявий қийинчилик туғдиради. Ташкилотчилар барча ватерполчиларнинг имкониятларини тенглаштириш мақсадида сув сатҳини 20 сантиметр кўтаришга қарор қилишди.

Шавкат САЪДИЕВ тайёрлаган.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Телепрограммалар

28 майдан — 3 июнгача

Душанба, 28

● УзТВ I

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Замин соҳиблари». Телефильм.
17.55 Омск шаҳрида ўтказилган қўшиқ байрамида Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси «Булбулча» хорининг чиқиши.
19.00 «Хизмат кўрсатиш тармоқлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Мусаввир». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»).
20.00 «Халқаро ҳаёт». Совет — Америка учрашуви олдидан.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти.
21.40 «Виждон йўқолди». Катталар учун мультфильм.
22.00 «Ахборот».
22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Фидойилик». Бадиий фильм, 1—2-серия лар (СССР—Япония).
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.10 Спорт шарҳи (рус тилида).
19.00 «Водиллик келин». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Элет кундолугу».
22.00 «Айлампа». Бадиий-публицистик лента («Қирғизфильм»).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Зитарлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм, 5-серия (Рига киностудияси).
9.15 Футбол шарҳи.
9.50 «Луис». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ереван).
10.10 «Сувдаги цирк».
11.00 «Стоп-кадр». Илмий-оммабоп кинокўрсатув.
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 «Бекинмачоқ». «Биз қандай дам оляпмиз» туркумидан кўрсатув.
15.45 Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.
16.25 Шеърият лаҳзалари.
16.30 Болалар соати (немис тили дарси билан).
17.30 Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Изтопарлар» (СССР Мудофаа вазирлигининг киностудияси), «Мен ҳаммасини кўриб турибман» (Киев).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Мусаввир устахонасида. «Иван Никифоровнинг уч ҳаёти».
18.40 «Сичқонлар хоккей лигаси билан содир бўлган воқеа». Мультфильм.
19.05 «Зитарлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Футбол шарҳи.
21.35 «СССР — АҚШ: аср романи». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).
22.55 Фестивалларда... Конкурслар... Концертлар.
24.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 «Ер киндиги». Телевизион ҳужжатли фильм (Фрунзе шаҳри).
8.45 «Севги севги ҳақида нималарни билади». Концерт.
9.20 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан кўрсатилади.
9.50 Болалар учун фильм. «Мунғли карнай» («Грузия-фильм»).
11.00 «Чашмалар». Кўрсатувни СССР халқ артисти Н. Мешко олиб боради.
11.30 Такрорий телефильмлар сеанси. «Қовун» («Қозоқфильм»).

* * *

15.45 «Шарқий Сибирь». Киножурнал.
15.55 Гандбол. Европа чемпионлари кубоги. Эркаклар. Финал. АСК (Минск) — «Барселона» (Испания). Минскдан кўрсатилади.
16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Порла, Осикта» (Чита).
16.55 «ТВ TV ҳақида». Американинг «Эй-Би-Си ньюз» компанияси. Кўрсатувни Л. Золотаревский олиб боради.
17.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. СССР — ХХР терма командалари. Ригадан кўрсатилади.
19,30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...».
19.45 «Биз қамал кунларидан чиқдик». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ленинград).
20.25 И. С. Бах. Фортепьяно ва оркестр учун ре минор концерти.
21.00 «Кечки ҳосил». Бадиий фильм («Мосфильм»).

Сешанба, 29

● УзТВ I

11.30 «Мулоқот». Телефильм.
12.00 «Лицедейлар». Фильм-концерт.
12.30 Такрорий фильмлар экрани. «Водиллик келин». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 Мультфильмлар.
18.10 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
18.40 Эркин Воҳидов. «Руҳлар исёни». Адабий театр.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Мардлар қўриқлайди Ватанни». Мусиқий кўрсатув.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Сиэтллик дўстларимиз».
21.35 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Пушаймонлик». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.05 Регби бўйича СССР чемпионати. «Звезда» (Тошкент)—«Политехник» (Киев).
18.45 «Усталар билан учрашув». Телефильм.
18.55 «Шоҳнома»нинг 1000 йиллигига. «Чиланғар Кова». Бадиий фильм («Тожикфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Наврўзи олам».
21.50 «Нафталан мўъжизаси». Телефильм.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Съездда бу ҳақда гапирилган эди».
22.35 «Дилафрўз». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
23.20 «Уйғур оиласи». Телефильм-концерт.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Зитарлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм, 5 ва 6-сериялар.
10.35 Мультфильмлар: «Гришканинг китобчалари», «Филча».
10.55 Болалар соати (немис тили дарси билан).
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 «Ижтимоий тараққиётнинг замонавий тенденциялари», «Коммунист» журнали редакциясида давра суҳбати.
16.00 «Қувнлар қувончани чўчитишди». Мультфильм.
16.15 «ТелеЭКО» журнали.
16.45 «Бор бўл, мусиқа!».
17.30 «И. М. Петров (Тойво Вяхя). Менинг чегараларим». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (МТ СССР Давлат хавфсизлик комитети чегара қўшинлари сиёсий бошқармасининг буюртмасига биноан суратга олган).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 П. И. Чайковский. «Буюк ижодкор хотирасига» триоси.
19.20 «Зитарлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 «Матбуот клуби» ижодий уюшмаси таништиради...».
22.00 «Парнас сари бор босқич».
22.15 «Матбуот клуби» ижодий уюшмаси таништиради... (давоми).
23.20 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 «Прелюдия». Телевизион ҳужжатли фильм (Ростов-Дон).
8.40 В. Коростилев. «Митти Иван ҳақида». Е. Вахтангов номли Давлат академик театрининг болалар учун фильм-спектакли.
10.50 «Маята». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).
11.20 РСФСР хореографик фольклорининг концерти.
12.00 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси» («Беларусьфильм»). 1-фильм — «Биз янги дунёмизни қурамиз...». 2-серия.
13.05 Ритмик гимнастика.

* * *

16.30 Ритмик гимнастика.
17.00 Теннис. Франциянинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади.
17.30 Мультфильм.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 «Салом, азизим». М. Суворова куйлайди.
18.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
19.00 Информацион программа. Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз Москва бўйлаб борамиз».

Чоршанба, 30

● УзТВ I

11.30 «Шукшин номидаги...». Телефильм.
11.50 Такрорий фильмлар экрани. «Чиланғар Кова». Бадиий фильм

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Элибекянлар», «Илҳом». Телефильмлар.
18.30 «Тулкининг товуқлар билан дўстлашгани ҳақида». Қўғирчоқ фильм.
18.50 «Маҳалла — тарбия ўчоғи».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Устоз ва шогирдлар». Мусиқий кўрсатув.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Амалий давра суҳбати». Ўзбекистон ССР Социал таъминот вазирлигининг раҳбарлари телетомошабинлар саволларига жавоб берадилар.
22.00 «Ахборот».
22.20 Абдулла Орипов. «Ранжком». Видеоспектакль.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.05 «Калейдоскоп». Телевизион топишмоқлар (рус тилида).
18.50 «Жуда керакли одам». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
20.00 «От спорти муаммолари» (рус тилида).
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Сабзавот конвейери ишчи назоратида».
21.10 «Насият». Жумҳурият фольклор телеконкурси.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Зитарлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм, 6-серия.
9.30 Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.
10.10 «СССР—АҚШ: аср романи». Ҳужжатли фильм.
11.30 «Бу бўлган... бўлганди...»
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 «Мусиқий хазина». Ж. Гершвин асарларидан концерт.
16.10 «Аргонавтлар». Мультфильм.
16.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
17.30 Москва яқинидаги Томилино шаҳри «Барабан» (Милан шаҳри, Италия) ансамблининг концерти.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Ҳокимият — Советларга».
19.05 «Зитарлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 1990 йил қўшиқлари.
22.20 «Чоршанба кунлари бинафшалар ёки санъатни тушуниш санъати».
23.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 Қирғизистон ССР халқ артисти С. Бекмуратова куйлайди. Фрунзе шаҳридан кўрсатилади.
8.40 «Ҳақиқат излаб». Телевизион ҳужжатли фильм (Красноярск).
9.00 «Дўстлар, ўртоқлар ҳақида...». Улуғ Ватан уруши ветеранлари халқ хорининг жамоаси билан учрашув.
9.45 Болалар учун фильм. «Мўмин-қобил уччилар» («Беларусьфильм»). 1 ва 2-серия лар.
11.55 «Экранда Сибирь». Киножурнал.
12.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 1-фильм — «Биз янги дунёмизни қурамиз...». 2-серия.

* * *

16.30 Теннис. Франциянинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади.
17.30 Мультфильм.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 «Интизорлик». В. Успенскийнинг Р. Рождественский шеърига басталаган мусиқий композицияси. Ленинграддан кўрсатилади.
19.00 Информацион программа. Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Рекс — қутқарувчи». Мультфильм.

Пайшанба, 31

● УзТВ I

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Янгиликлар.
17.35 Болалар учун фильм. «Қувноқ воқеалар» (М. Горький номли киностудия).
19.00 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Яхшидан боғ қолади...».
20.20 «Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Аёл қалби наволари». Мусиқий кўрсатув.
21.45 Долзарб мавзу.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қувноқлар ва зукколар». Тошкент Давлат политехника институтининг «Муҳандис» ва Тошкент Давлат педагогика институтининг «Зиё» командалари ўртасидаги мусобақа.
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.05 «Табиат — ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма.
18.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Телефон орқали мулоқот». Шаҳримиздаги алоқа воситаларининг муаммолари ҳақида.
19.40 «Мени ишчи синфига ўтказишингизни сўрайман...». Телефильм.
Тижорат видеоканали
20.10 «Таътилга тайёрмисиз?» (рус тилида).
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Иссиққўлни муҳофаза қиламиз».
21.30 «Кўринмас сабабларга кўра». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Рексни қайтаринг». Мультфильм.
8.20 СССР Давлат хавфсизлик комитети чегара қўшинлари намунали-кўргазмали оркестри чалади.
8.45 «Матбуот клуби» ижодий уюшмаси таништиради...».
10.45 «Эртага премьера». СССР халқ артисти В. Плучек ижоди ҳақида.
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Болалар учун фильм. «Кўр қуш» (Москва илмий-оммабоп фильмлар киностудияси).
16.20 «Она ва ўгай она». Ҳужжатли фильм премьераси (Ғарбий Сибирь кинохроника студияси).
17.00 Москва — Бостон телекўприги. Инсониятнинг экологик хавфсизлиги.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.15 «Босқичлар». Бадиий-публицистик программа.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 «Эфирда мусиқа».
23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 «Аҳволлар қандай, қўриқхона?». Телевизион ҳужжатли фильм (Оржоникидзе шаҳри).
8.35 Н. Римский-Корсаков. «Шаҳризода» симфоник сюитаси.
9.20 «Сатпаев сайёраси». Ҳужжатли фильм.
9.40 «Бор бўл, мусиқа!».
10.00 Болалар учун фильм. «Чавандозлар» (Одесса киностудияси).
11.05 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Сағаалган — оқ ой байрами» (Улан-Удэ).
11.45 Ритмик гимнастика.
12.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 2-фильм — «21-йилнинг осуда ёзи». 1-серия.

* * *

16.30 Ритмик гимнастика.
17.00 Теннис. Франциянинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 «Эл қатори». Телевизион ҳужжатли фильм (Киров шаҳри).
19.00 Информацион программа. Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Тулки ва айиқ». Мультфильм.

Жума, 1

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

● УзТВ I

11.30 «Мўъжизалар куни». Фильм-концерт.
11.55 «Салом, болалар». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

* * *

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Янгиликлар.
17.35 «Тим исмли машҳур ўрдакча». Мультфильм.
17.55 «Биз билан гўзал чаман». Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига бағишланган кўрсатув.
19.00 «Оналар мактаби».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Алифбо сабоқлари».
20.20 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Одобнома».
21.15 «Камолот сари». Сора Тошматова, Шомаҳмуд Шорахмедов.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Оила».
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурч».
18.45 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали.
19.00 Телетомошабинларнинг талабларига мувофиқ. «Омадли жентельменлар». Бадиий фильм («Мосфильм», рус тилида).
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Инсон ва қонун». Тележурнал.
21.40 «Она ва болакай».
22.00 «Ахбор».
22.20 «Едбуд». Дўстмурод Алиев.
23.30 «Асрлар садоси». Видеофильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Ғилдиракдаги эртак», «Ғилдиракдаги эртак йўлда давом этади». Мультфильмлар. 1 ва 2-қисмлар («Грузия-фильм»).
8.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
9.15 «Қалб қўшиғи». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Боку).
9.45 «Босқичлар». Бадиий-публицистик программа.
11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах.
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.20 «Пешвоз чиқиб». Ҳужжатли фильм премьераси (СССР Мудофаа вазирлигининг киностудияси).
16.10 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Шойдагбоева куйлайди.
16.30 Останкино концерт студиясида педагог, композитор ва дирижёр Г. А. Струве билан учрашув.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.
19.00 Кинопанорама.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 «Бу бўлган... бўлганди...».
21.25 Брейн ринг. «Нима? Қаерда? Қачон?».
22.05 «Даврлар гирдоби» (Истамбул калейдоскопи). Телевизион фильм премьераси.
00.15 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 «Чемоданчадаги миллиардлар». Ихтирочилик муаммолари ҳақида ҳужжатли фильм (Куйбишев кинохроника студияси).
8.45 «Миср тунлари». Фильм-балет (Ленинград).
9.25 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Бизни болалар боғчаси қарши олади» (Ростов-Дон), «Индамас» (Минск).
9.45 Болалар учун фильм. «Чавандозлар». 2-серия.
11.00 «Созандалар мусиқа ҳақида».
11.45 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 2-фильм — «21-йилнинг осуда ёзи». 2-серия.

* * *

16.05 «Қўшиқ инсон билан қолади». «Нежность» (А. Пахмутова, Н. Добронравов).
17.00 Теннис. Франциянинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 «Салом, азизим». М. Суворова куйлайди.
18.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
19.00 Информацион программа. Танаффус пайтида (19.30) —Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Маймунлар қандай овқатланишди». Мультфильм.

Шанба, 2

● УзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув.
10.45 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм. 1-серия (СССР — Польша).
12.15 «Чорраҳа».
12.45 Болалар учун театр. «Тадбиркор олмахон». А. Мажидий номли Каттақўрғон вилояти мусиқий драма ва комедия театрининг спектакли.
13.35 «Сувда эҳтиёт бўлинг!».
13.45 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув.
14.45 Спорт кўрсатувлари: 1. Регби бўйича СССР чемпионати. «Звезда» (Тошкент) — «Луч» (Новокузнецк). 2. «Саломат бўлинг!».

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар».
18.50 «Ёшлар овози». Адабий кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
20.15 «Оқшом эртаклари».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Дилдаги гаплар...». Ўзбекистон ССР халқ артисти Фарруҳ Зокиров билан учрашув.
22.00 «Ҳафтаномa».
22.40 «Умр ўтмоқдадир...». Тўра Сулаймон. Мусиқий кўрсатув.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
9.00 «Савту калом». Ҳофиз шеърлари асосида адабий-мусиқий кўрсатув.
9.55 «Қизил майдон». Бадиий фильм. 1, 2-серия лар.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильмлар программаси: «Ромка, Фомка ва Артос», «Фил ва кўпикча», «Ҳамма учун уй», «Бувимнинг сабоғи».
18.50 «Лабиринт». Ўсмирлар ва кино.
19.30 «Новости».
19.50 «Меҳрғони дўсти». Жиргитал райони.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Армуғон». Мусиқий программа.
21.50 «Шундай бир жой бор». Кинолавҳа.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Фарҳанг ва ҳунар».

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Сиз яратган боғ».
8.35 Эртакдаги эртак». Мультфильм. 3-қисм.
8.50 «Александр Невский». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Ленфильм»).
9.50 «Партнёр». Тижорат хабарномаси.
10.20 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Урушнинг узундан узоқ йўллари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2 ва 3-серия лар («Беларусьфильм»).
12.35 М. Равель. Ми минор триоси. «Бозар» триоси ижро этади (АҚШ).
13.05 Киноафиша.
14.05 «Ҳайвонот оламида».
15.05 Сиёсий мулоқотлар.
15.35 «Бутерброд уруши хроникаси». Мультфильм.
16.00 Режиссёр К. Кийск фильмлари. «Ўрмон бинафшалари» («Таллиннфильм»).
17.30 Америка киноси саҳифаларида. 1-сони.
18.15 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс.
19.20 «Бемаврид». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия лар («Беларусьфильм»). Премьера.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 «Владимир Плясников томошаси».
22.10 «Нигоҳ».
23.55 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
7.45 В. Беляев. «Заречная тарафида» вокал туркуми.
8.10 «Владивосток, 1918 йил». Бадиий фильм, субтитр билан (М. Горький номли киностудия).
9.25 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Фермерлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киев).
9.45 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати.
10.45 «Оила» телепрограммаси.
11.45 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.
12.15 Теннис. Франциянинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади.
13.15 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
13.20 «Совет Россияси» видеоканали.
15.50 «Пи» белгиси билан». 1-қисм.
16.50 «Рамзеснинг ҳунарлари». Мультфильм. 1-фильм.
17.00 «Ер билан шартнома». Ҳужжатли фильм премьераси («Моонсундфильм»).
17,15 «Пи» белгиси билан. 2-қисм.
18.30 «Гармонь янграган жойга борамиз». Пятигорскдан кўрсатилади.
19.00 Информацион программа. Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қорбобо ва ёз». Мультфильм.

Якшанба, 3

ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ

● УзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм. 2-серия.
11.25 «Шоҳрух» клуби.
12.00 Москва. Футбол. СССР чемпионати. 1-лига. «Локомотив» (Москва) — «Пахтакор» (Тошкент). «Локомотив» стадионидан олиб кўрсатилади.
14.00 «Алифбо сабоқлари».
14.35 «Дўстлик» программаси. «Заминдаст».
15.35 «Кваква». Қўғирчоқ фильм.
15.55 «Халқ ижодиёти». Чори Ҳўжамбердиев ижросида «Маҳмуд паҳлавон» достонидан лавҳалар.
Тижорат видеоканали
16.50 «Изланиш йўлидан». Сурхондарё вилояти «Ленин йўли» ноҳияси Будённий номли совхоз меҳнаткашларининг иш фаолияти тўғрисида.
17.10 «Ер—хазина, сув—гавҳар».

*

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Митти Гном». Мультфильм.
18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
18.50 Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди олдидан. Самарқанд вилояти Нарпай ноҳиясидан икки телелавҳа.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Санъат усталари ижросида концерт.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
21.40 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатлари билан учрашув.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Садоқат». Видеофильм.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Яхши дегани нима?». Болалар учун кўрсатув.
10.50 «Клиника». Бадиий фильм.

* * *

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
18.45 «Сеҳри ҳунар». Усто Сирожиддин Нуриддинов.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Ҳар ки накуноми зист...». Телеочерк.
21.15, 22.30 Хурсанд Зарипов куйлайди.
22.00 «Ҳафта». Информацион программа.
23.10 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун.
7.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб».
9.30 «Ватан хизматида».
10.30 Тонгги дам олиш программаси.
11.00 «Саёҳатчилар клуби».
12.00 «Здоровье».
12.45 «Мусиқий киоск».
13.15 Италия телевидениесининг программаси.
14.15 Америка киноси саҳифаларида. 2-сони.
14.45 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Қойилмақом малика». Телевизион бадиий фильм (ГДР).
16.15 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
17.30 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 2-кўрсатув.
18.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. Премьера. 1 ва 2-серия лар (Чехословакия).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 «Абадият ҳақида ўйлар». Якшанба ўгитлари.
21.15 «Гленн Миллер: ой нури серенадаси» (АҚШ телевидениеси).

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг!
7.45 Давлат Воронеж рус халқ хорининг концерти.
8.20 «Рамзеснинг ҳунарлари». Мультфильм. 2-фильм.
8.30 «Келиб Каспий денгизига қуйилади». «Она-замин ташвишида» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм (Куйбишев).
9.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Дағистоннинг олтин сурлари» (Махачқала).
9.30 «Муваффақият». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
11.00 «Саёҳатчилар клуби».
12.00 Футбол. СССР чемпионати. 1-лига. «Локомотив» (Москва)— «Пахтакор» (Тошкент). «Локомотив» стадионидан кўрсатилади.
14.00 «Совет Россияси» видеоканали.
16.30 «Планета». Халқаро программа.
17.30 А. Долуханян асарларидан концерт.
18.30 От спорти. Халқаро мусобақалар. Чехословакиядан кўрсатилади.
19.15 «Тўлқинлар амри билан». Эстрада программаси.
19,30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қорбобо ва ёз». Мультфильм. 2-қисм.
19.45 Акробатик рок-н-ролл бўйича халқаро турнир. «Дружба» универсал спорт залидан кўрсатилади.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
21.00 Теннис. Франциянинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади.
22.00 «Матбуот клуби».

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 03250.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.